

ФРАН ҲАҚИДА

СУҲБАТЛАР

634.9
0-658



К. ОРИФХОНОВ

АКАС

Др 19831/2

К. ОРИФХОНОВ

634.9
0-658

А К А С

Др 1983/2

№ 25

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти

Тошкент — 1968

Сам. СХИ

гөр. Самарканд

634.9
0—68

Орифхонов К.

Акас. Т., Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти,
1968.

31 бет. Тиражи 11170.

Арифханов К. Робиния.

634.9

К И Р И Ш

Совет халқи КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини турмушга татбиқ қила бориб, коммунистик қурилишни кенг авж олдириш, етти йиллик планни хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларида муддатидан илгари бажариш юзасидан партия Программасида белгиланган тадбирларни катта кўтаринкилик билан амалга ошироқда. Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги ҳамда ялпи ҳосилини ошириш учун олиб бораётган кураши ва эришаётган муваффақиятлари бунинг далилидир.

Иҳота дарахтзорлар пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини оширишда жуда катта роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1967 йил 2 апрелда қабул қилган «Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлашнинг энг зарур чоралари тўғрисида»ги қарорида манзарали ва мевали навлардан иборат дарахтзорлар барпо қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши чўлидаги асрлар давомида бўм-бўш ётган ерларни пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун ўзлаштирганда иҳота дарахтзорлар барпо этиш билан бир қаторда, колхоз ва совхозларнинг қишлоқларини кўкаламзорлаштириш, шунингдек шаҳарлар ҳамда янги саноат

марказлари атрофида яшил зоналар вужудга келтириш юзасидан кўп иш қилиш лозим. Булар маҳаллий микроиклимни муътадиллаштиради ва аҳолининг унумли меҳнат қилиши ҳамда яшаш учун қулай шароит яратади.

Яшаш ва меҳнат қилиш шароитини қулайлаштириш мақсадида боғларга, ариқ ва дарёларнинг қирғоғига дарахт экиш ўзбек халқининг азалий одати. Экинларни, мевали боғлар ва токзорларни саҳродан эсувчи гармсел ва иссиқ оқимнинг ҳалокатли таъсиридан сақлаш учун деҳқонлар экинзорлар, боғ ва токзорлар атрофига бир неча қатор қилиб терак, тол, қайрағоч, чинор ва бошқа хил дарахт экардилар. Ўзбекистондаги дарахтларнинг турлари у қадар кўп бўлмай, асосан мевали ва манзарали дарахтлардан иборат эди. XIX асрнинг ўрталаригача мавжуд бўлган дарахт ва буталар янги турлари билан секин тўлдириб борилди. Уларни Қичик Осиё, Ҳиндистон ва Хитойга борган савдогарлар, зиёратчилар ва дарвешлар тасодифан олиб келишарди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан кейин, яъни Туркистон Россияга қўшилгандан сўнг ўтган давр мобайнида кескин ўзгариш юз берди. 1865 йилдан то 1917 йилгача турли қитъалар ва Ер куррасининг турли мамлакатларидан Ўзбекистонга 160 турдан ортиқ ўрмонбоп ҳамда мевали дарахтлар келтирилди. Улар орасида оқ акас ҳам бор эди.

Оқ акас тез ўсадиган бўлгани учун маҳаллий аҳолига жуда ёқиб қолди. Унинг хода ҳамда хипчинидан токни сўрига кўтаришда, мевали дарахтларга суянчиқ сифатида фойдаланила бошланди. Шунингдек, саккиз ёшли бир туп оқ акас дарахтидан 0,75 саржингача ўтин олинди. Оқ

акасининг ерда чиримайдиган, сувда янада қаттиқлашадиган ёғочидан деҳқонлар ирригация иншоотларидаги тўғон ва сепоя қурилишида тобора кўпроқ фойдалана бошладилар. Тут ёки тол сингари оқ акасининг пўстлоғи баҳорда дарахт танаси сув олганда осонгина ажралади. Шу туфайли унинг пўстлоғидан пайвандни ўраш, корзинка тўқиш учун ва боғлаш материали сифатида фойдаланила бошланди.

Оқ акас томирида азот бактерияларини тўпловчи тугунаклар борлиги туфайли у экилган тупроқ азотга бойийди ва ҳосилдор бўлади. Оқ акасининг илдиз системаси кучли бўлади. Унинг бир ёки бир неча ўқилдизи ерга тик кетган бўлади, ён томирлари ер юзасига яқин жойлашган бўлиб, намни ва озуқа учун берилган минерал ўғитларни яхши сўриб олади.

Оқ акас апрель ойининг охири ва май ойининг бошида чамандай гуллайди. Унинг гули ёқимли ҳид тарқатади ва асал моддасига бой бўлади. Ўзбекистонда оқ акас кўп жойларда кўча ва йўлларнинг четига, каналларнинг қирғоғига, колхозларнинг дарахтзорларига, ихота дарахтзорларга, темир йўл ва тош йўлларнинг четига экилади. Оқ акас лалмикор, ботқоқ, ўтлоқ-ботқоқ, тошлоқ ерларда, дарёларнинг одоғида, тоғ ўрмонларида ўстирилади. У тоғ ён бағирларини, саҳролардаги қумларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Республиканинг шаҳарларидаги дарахтзорларда ёз давомида бир неча бор пушти рангда гуллайдиган ва асаларичилик учун катта аҳамиятга эга бўлган бошқа турдаги акаслар ҳам тез-тез учраб туради. Қўкаламзорлаштириш учун оқ акасининг тик қомат, сада, эгилган ва йирик баргли формалари катта аҳамиятга эга. Ўзбекис-

тонда, бир аср мобайнида ўстириш натижасида оқ акасининг турлари кенг тарқалди, иқлимга мослашди ва маҳаллий аҳоли севган дарахтга айланди.

СССР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ОҚ АКАСНИ ДАСТЛАБКИ ЭКИШ ТАРИХИ

Оқ акас ёки сохта акас дуккаклилар оиласига мансубдир. У Шимолий Америкада Аппалач ва Аллеган тоғларида ҳамда уларнинг ён бағрида ёввойи ҳолда ўсади. Бу ерда оқ акас ўсадиган жойнинг чегараси шимолий кенгликнинг 33—41 даражалари оралиғидадир. Америкада аралаш ўрмонларда акас якка ҳолда ёки кичик-кичик тўп бўлиб қизил ва оқ эман, чинор, қора ёнғоқ, бодрингсимон магнолия, лола дарахтлари, заранг, шумтол ва бошқа хил дарахтлар билан бирга ўсади. Ватанида унинг бўйи 21—24 метрга, танасининг одамнинг кўкраги барабар баландликдаги йўғонлиги 1—1,2 метрга етади. Бизнинг республикамизда эса оқ акас 80—90 йил ўсиш давомида унинг бўйи 30 метргача ва ундан ҳам зиёдроққа, танасининг йўғонлиги 70—80 сантиметрга етади. Оқ акасининг 30 га яқин хили ва формалари бор.

XVII асрнинг бошида ботаник Робин Францияга Луизана (Шимолий Америка) штатидан акас уруғини олиб келган эди. Унинг 1601 йилда ўтқазган биринчи акас дарахти Париждаги ботаника боғида ҳозир ҳам ўсиб турипти. Машҳур табиатшунос Карл Линней Робин шарафига акасларнинг бутун авлодига робиния деган ном берди.

Ўтган асрнинг тахминан 30-йилларида оқ акас Франциядан Европа ва Осиёдаги узумчилик

билан шуғулланадиган бошқа мамлакатларга тарқала бошлади. Айниқса Венгрияда оқ акаси ўстиришга қизиқиш катта. Китоблардаги маълумотларга қараганда, оқ акас Япония, Австралия, Жанубий Америкага ҳам тарқалган. У Узоқ Шимолда, яъни Норвегияда шимолий кенгликнинг 63 даражасида ҳам ўсади. Бироқ у ерда гуллайди-ю, аммо уруғ ҳосил қилмайди. Оқ акас Хитой Халқ Республикаси, Туркия ва Осиё ҳамда Африканинг бир қатор мамлакатларидаги сунъий ўрмонзорларда ҳам учрайди.

Оқ акас уруғи биринчи марта Россияга XVIII асрнинг охирида граф Разумовский томонидан бевосита Шимолий Америкадан келтирилган эди. Ўша вақтда граф Разумовский оқ акас уруғини ўзининг ва айрим помешчикларнинг боғларига эккани учун у кенг тарқалмади. 1809 йилда Харьков университетининг ректори профессор И. Н. Каразин томонидан яна Россияга акас уруғи келтирилди. Кейинроқ бу дарахт Украина ва Россияга кенг тарқалди. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Одессанинг кўпчилик кўчалари оқ акас хиёбонлари билан қопланган эди.

XIX асрнинг ўртасида Россия дарахтлар экиш воситаси билан саҳроларни забт этиш учун кураш бошлаган жаҳондаги биринчи мамлакат бўлиб қолди. Етмишинчи йилларнинг охирида ўрмонзорлар кенгайтирилганда оқ акасга анчагина жой ажратилди.

Мамлакатда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг РСФСРнинг Марказий Европа қисми, Украинанинг жануби, Қрим, Кавказ ва Волга бўйидаги шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда акас жуда муҳим роль ўйнади. Киев, Харьков, Одесса, Львов, Полтава ва Украинадаги бошқа

шаҳарларнинг кўпчилик марказий кўчалари сада ва тикқомат акаслардан усталик билан фойдаланилгани ҳолда кўркам қилиб кўкаламзорлаштирилган. Бу дарахтлар иморатлар олдида жуда чиройли қилиб ўтқазилган ва уларга қараган одамларнинг баҳри-дили очилади.

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагандан кейин оқ акас Волга бўйи ва Украинада қурғоқчилик ҳамда гармселга қарши кураш мақсадида барпо этилган давлат иҳота дарахтзорларга экилган дарахтларнинг асосий турларидан бири бўлиб қолди. Совет ўрмон мелиораторлари тупроқ эрозиясига, жарликлар ҳосил бўлишига қарши курашда ундан кенг фойдаланмоқдалар. Оқ акас ёрдамида кўпчилик областлар, ўлкалар ва республикаларда қумлар мустаҳкамланмоқда. Мамлакатдаги кўпчилик тош йўллар четига, шунингдек темир йўлларни қор босишдан сақлаш мақсадида барпо қилинадиган дарахтзорларга, Волга-Дон канали каби сунъий сув йўллари ва ниҳоят Ўрта Осиёдаги каналларнинг соҳилига бу ажойиб оддий дарахт кўп экилади.

Ўзбекистонда оқ акас дарахти ва бутасининг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишдан бошланади. Уни қуйидаги уч асосий даврга бўламиз: биринчи даврда зиёратчилар, жаҳонгашта дарвешлар ва манзарали дарахтлар боғининг ҳаваскорлари бўлган савдогарлар оқ акас уруғини тасодифий равишда бошқа мамлакатлардан олиб келганлар. Бу даврга тааллуқли маълумотлар жуда ноаниқ ва у вақтда Қуёш нури ҳамда сувга бой бўлган ўлка табиатида акас ҳали оммавий равишда учрамасди.

1865 йилдан то 1917 йилгача бўлган муддат иккинчи давр бўлиб, у Туркистоннинг Россияга қўшилганидан то Улуғ Октябрь социалистик ре-

волюциясигача бўлган даврга тўғри келади. Бу вақтда кўчиб келган рус фуқаролари оқ акас уруғларини олиб келдилар ва уни бутун ўлка бўйлаб кенг тарқатдилар. Тез орада маҳаллий аҳоли оқ акасининг қурилиш ва хўжалик материаллари, манзарали дарахт каби ажойиб сифатларига юксак баҳо берди. Халқ ҳозир ҳам акасини «ўрис дарахт» деб атайти. Ўзбекистоннинг айрим




1 - р а с м.

жойларида уни «тиконли дарахт», Фарғона водийсида эса «акас» ёки «оқ акас» дейилади.

1867 йилда Тошкентнинг янги шаҳар қисмига асос солинганда кўчаларни кўкаламзорлаштириш мақсадида экилган манзарали дарахтлар орасида оқ акасга кенг ўрин берилди. Профессор В. П. Дробов 1935 йилда ёзганидек, ўша йили ҳаваскор боғбонларнинг боғида оқ акас, жўка, эман, заранг, шумтол ва бошқа хил дарахтлар, игнабарглилардан Қрим қарағайи, арча, оддий қарағай ва бошқа хил дарахтлар ўса бошлаган. Бу ҳақда «Туркистон ведомости» газетасининг

1876 йилда чиққан сонларидан бирида машҳур олим, Россияда дендрология ва манзарали боғдорчилик бўйича биринчи дарсликнинг автори Регель ҳам ёзган эди.

Тошкент шаҳар думаси 1900 йилда қабул қилган мажбурий қарорда аҳолига ўз ҳовлилари



2-расм.

билан туташ кўчаларга дарахт экиш тавсия этилди. Экиш мумкин бўлган дарахт турлари рўйхатида қайин, жўка, чинор, заранг ва бошқа хил дарахтлар билан бир қаторда қизил ва оппоқ гуллайдиган акаслар, Декен акас, эгилган, пушти, сада (тиконсиз), яккабаргли, тикқомат, оддий оқ ва акасинг бошқа бир қатор турлари ҳамда хиллари ҳам бор эди (1- ва 2-расмларга қаралсин).

Кейинчалик Туркистонда янгидан барпо этиладиган шаҳарларни кўкаламзорлаштириш учун дарахтлар хилини кўпайтириш ва уларни кўплаб келтириш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. 1870—1895 йилларда Тошкентда ва унинг атрофида дастлабки давлат ва шахсий мевали кўчатзорлар ташкил этилди. Уларда мевали дарахтлар билан бир қаторда, манзарали дарахтлар кўчати ҳам кўпайтирилди. 1900 йилда Тошкентдан 15 километр нарида Туркистон қишлоқ хўжалик тажриба станцияси (ҳозирги академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти) ташкил топди. Бу станцияга кўп йиллар мобайнида раҳбарлик қилган академик Р. Р. Шредер махсус участкаларда манзарали дарахтларнинг дастлабки турларини кўпайтирди. Улар орасида оқ акас ҳам бор эди.

Н. И. Корольков ва боғбон олим Г. Г. Оттендорф ўтган асрнинг 70-йилларида Туркистон ўлкасида дастлабки йирик кўчатзорларни яратган кишилардандир. Улар Фарғонада йирик кўчатзор вужудга келтиришди ва унда мевали-манзарали дарахтларнинг жуда кўп хилини тўплашди. Улар ноёб дарахтлар уруғини чет эллардан олишди. Кўчатзордаги хилма-хил бута ва дарахтлар орасида оқ акас авлодининг 7 тури бор

эди. Фарғона кўчатзори Туркистон ўлкасидаги кўпчилик шаҳарларни селдан сақлаш мақсадида Чўпонотада ташкил қилинган тоғ ўрмонзорлари-ни кўчат билан таъминлади. Бу ерда оқ ака-дан кенг равишда фойдаланилди. 1889 йилда Фарғона шаҳрини муттасил бўлиб турадиган шамолдан тўсиш учун 24 қаторли дарахтзорлар ташкил қилиш бошланди. Беш-олти қаторига тез ўсувчи ва баланд бўйли оқ акас, қайрағоч, терак, тут ва бошқа хил дарахтлар экилди.

1880 йилда Самарқандда Қорольков ёрдами-да кўчатзор ташкил қилинди ва у областдаги аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлашти-ришда катта роль ўйнади. Бундан ташқари Омонқўтон қишлоғида Зарафшон тизма тоғлари-нинг ёнбағирларида сув тошқини вақтида Са-марқанд шаҳрига хавф соладиган сел оқимлари-дан сақланиш мақсадида тоғ ўрмонларини бар-по қилиш ишлари амалга оширилди. Ўтқазилган ёнғоқ, Қрим қарағайи, терак, қайрағоч ва бош-қа хил дарахтлар орасида оқ акас катта салмоқ-қа эга (қарийб 40 процент) эди.

Оқ акасни Чўпонота, Омонқўтонда ташкил этилган тоғ ўрмонларида синаб кўриш тўла му-ваффақият қозонганидан сўнг, ўлка маъмурияти 1898 йилдан бошлаб Тошкентдан 57 километр наридаги Оқтошда тоғ ўрмонлари барпо қила бошлади. Бу ишга шу вақтгача Керч (Қрим) шаҳрида ишлаган ва тоғ ёнбағирларига дарахт экиш масаласи билан шуғулланган ўрмоншунос С. Ю. Раунер раҳбарлик қилди. Оқтошда денгиз сатҳидан 1400 метр баландликдаги сувсиз жойга террасалаб экилган дарахтлар ҳозир ҳам яхши ўсиб турипти. Қаттиқ қиш бўладиган жойларда оқ акас айрим йиллари илдизининг бўғизига-ча музлайди.

Учинчи даврга революциядан кейинги вақт киради. Бу муддатни республикада янги хил дарахтларни дастлабки экиш бўйича амалга оширилган ишлар миқёси жиҳатидан икки босқичга бўлиш мумкин:

- а) 1918 йилдан то 1934 йилгача бўлган давр;
- б) 1934 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр.

Улуғ Октябрь социалистик революциядан кейин дарахт турларини барпо этиш йил сайин кенг тус ола бошлади. 1918 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Туркистон халқ университетининг Ботаника боғи ўлкадаги дастлабки илмий муассаса бўлди. Кейинчалик Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институтининг тажриба станцияси, Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институти ва бошқа муассасалар ташкил топди.

Айниқса, Ўрта Осиё Давлат университети-нинг ботаника боғида дастлабки экиш (интродукция) соҳасида актив иш олиб борилди. Юқоридаги илмий муассасаларнинг 15 йил давомида олиб борган илмий ишлари натижасида Ўзбекистонда дарахт ва буталарнинг 250 га яқин янги турлари синаб кўрилди. Уларнинг тур таркиби 500 дан ошиб кетган, шулар жумласидан акасининг ҳам 10 тури бор эди.

Ҳаваскор боғбонлар томонидан илгари дастлабки экилган акас турининг сони гарчи кўпаймаган бўлсада, унинг мавжуд турлари, айниқса, ёз давомида бир неча марта қип-қизил бўлиб гулловчи манзарали турлари Ўзбекистонда яккадуққа ҳолда учрайдиган тупларидан тез кўпайиб борди. Бу даврда аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлаштириш учун жуда ноёб фойдали дарахтларни кўпайтириш билан шуғулланувчи давлат кўчатзорлари барпо этилди. Янги кўча-

лар, хиёбон ва паркларни планли равишда кўкаламзорлаштириш кенг миқёсда амалга оширилди. Тошкентда 125 гектардан-иборат йирик кўчатзор вужудга келтирилди. У ҳозир шаҳар манзарали ўсимликлар хўжалигига қарайди. Бу кўчатзорнинг она дарахтлар қисмида акасининг ноёб манзарали турларини (пушти гулли, сада, тикқомат ва бошқаларни) тўплашга киришилди.

1934 йилдан эътиборан Ўзбекистонда манзарали дарахтларни оммавий равишда активроқ экишнинг иккинчи босқичи бошланди. Яъни жаҳоннинг узоқроқ мамлакатлари — Шимолий Америка, Хитой, Япония; Европа, Совет Узоқ Шарқи ва Ер куррасининг бошқа қисмларидан ўсимликлар келтирила бошланди. Биология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор Ф. Н. Русанов жаҳоннинг узоқ мамлакатларидан дарахт ва буталарнинг бутун-бутун авлоди ва флора комплекслари билан келтириш асосида дастлабки экиш (интродукция) назариясининг асосчиси бўлиб қолди.

Агар Совет интродукцион даврининг биринчи босқичида Ўзбекистонга 250 турдаги дарахт келтирилган бўлса, ҳозир республика Фанлар академиясининг Ботаника боғида тўпланган дарахт ва бута турларининг сони 2200 дан ошиб кетди. Республикамиз Фанлар академиясининг Ботаника боғи қардош ўлкалардаги кўкаламзорлаштириш масаласи билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳам кенг ҳамкорлик қилмоқда. Фақат 1959 йилнинг ўзида Ўзбекистон пойтахтига экиш ва уни кўкаламзорлаштириш учун Тошкент шаҳар манзарали ўсимликлар хўжалигига юзга яқин турдаги манзарали дарахт ва буталарнинг уруғи келтирилди.

Акас авлодининг коллекцияси Совет Иттифоқида фақат Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида тўла йиғилган бўлиб, унинг 9 тури бор. Шу жумладан — 7 таси қипқизил, қолгани эса оқ гулловчи турлардан иборат. Бу турлар шаҳарларни қўкаламзорлаштириш ва асаларичилик учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари Ботаника боғида оқ акасининг 10 хил манзарали формаси бор.

ОҚ АКАСНИНГ ХАЛҚ ХУЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Оқ акас тез ўсадиган дарахт турларидан бири. Одамлар имконият борида кўп ва сифатли ёғоч олиш учун тез ўсадиган дарахтларни кўпроқ экишади. Ўрта Осиё республикаларининг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитида оқ акас ҳатто суғорилмайдиган тошлоқ, лалмикор ерларда ҳам тез ўсади. Оҳангарон ва Чирчиқ дарёларининг бошидаги шағал тупроқли ерларда жойлашган Тошкент ўрмон хўжалигида уруғдан экиб кўкартирилган оқ акас ниҳолларининг бўйи биринчи йилнинг охиридаёқ 3 метрга етган.


Оқ акасни ўтлоқ-ботқоқ ва торфли тупроқларда ҳам муваффақиятли ўстириш мумкин. В. Н. Сорокиннинг айтишича, Сирдарёнинг қирғоғидаги Ўрта Осиё темир йўли кўчатзорининг тупроғи анча шўр бўлишига қарамай, экилган оқ акас кўчатининг бўйи биринчи йилдаёқ энг рекорд баландликка — 5 метр-у, 20 сантиметрга етган. Аммо у 15 йил давомида тез ўсиб боради ва бу даврда унинг бўйи 20 метрга, танасининг йўғонлиги эса 25—30 сантиметрга етади. Тез-тез юмшатиб туриладиган унумдор ерларда айрим

ҳолларда ўн ёшли оқ акас танаси бўғизининг йўғонлиги 45 сантиметргача етади.

Оқ акас ёғочининг ранги сарғиш ва вазни жуда оғир (салмоғи 0,66) бўлиб, у қаттиқлиги жиҳатидан эман, қайрағоч ва шумтолга нисбатан устун туради. Хусусан 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган оқ акасининг ёғочи жуда қаттиқ бўлади. АҚШда текшириб кўрилишича, оқ акасининг пўстлоғи арчилмаган ёғочидан тўсиқ ёки симёғоч, ток кўтармаси сифатида фойдаланилганда унинг ерга кўмилган қисми узоқ вақт (100 йилгача) чиримаган. Оқ акасининг ивитилган ходаси худди тезаб қилинган эмандек маҳкам бўлиб кетади. Оқ акасининг бу сифати ирригация ва гидротехника иншоотларида тўғонлар қурганда уни сепоя учун фойдаланиладиган энг мақбул материалга айлантиради. Шу туфайли Ўзбекистонда республика Ирригация ва сув хўжалиги министрлигининг ирригация-ўрмон хўжаликлари кейинги 38 йил мобайнида канал ва дарёларнинг қирғоғига экиш, шунингдек, яхлит дарахтзор массивлар ва чакалакзорлар барпо қилиш йўли билан 4500 гектар ўрмонзор ташкил қилди. Ана шу ўрмонзорларда ёлғиз ўзи ва бошқа хил дарахтларга аралаштириб экилган оқ акас анча жойни эгаллайди (3-расм).

АҚШда ва Европадаги бир қатор мамлакатларда оқ акас ёғочидан кемаларнинг ён чеккалари ва мачталарига тахта қоплашда ишлатиладиган болтлар ҳамда ёғоч михлар ясалади. Қадим замонда оқ акас ёғочидан кареталар ясаш ва этикдўзлик михи тайёрлашда кенг фойдаланилган. Ундан дурадгорлик ва токарликда, икки учи резбали деталлар, электр телеграф ва телефон тармоқлари учун изоляторлар тайёрлашда, шунингдек кон устунлари, телеграф ёғочлари

ва темир йўл шпаллари учун кенг фойдаланилади. Оқ акас ёғочидан тўқимачилик саноати учун мокилар, мебель, турли хил дурадгорлик буюмлари ясалади. Ундан стул, иморатлар учун устун, болор, сепоя, ёғоч труба, тарнов ва ҳоказолар ясашда фойдаланиш ҳам тавсия этилади. АҚШда дала тўсиқлари учун устунлар олиш мақсадида махсус равишда оқ акас ўстирилади.



3 - расм.

Кентукки штатида ўрмоншунослар тупроғи унумсиз ерларда тупроқни яхшиловчи дарахт сифатида оқ акас ўстиришни фермерларга тавсия этишади. Бундай қилинганда оқ акас турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қулай ерлар майдонини кенгайтириш имконини бериши мумкин.

Ўрмонсиз Ўзбекистон шароитида оқ акас ёғочни кўприклар қуриш, колхозларнинг қуртхоналарида сўкчаклар барпо этиш, шунингдек болалар ўйинчоқлари ва аравачалари ясаш учун жуда қўл келади. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонга ёғоч келтириш қийинлашганда оқ акас ёғочидан вино бочкалари, арава ғилдираклари, тўқимачилик саноати учун урчуқ ва мокилар, болта, теша, белкурак ва кетмон дастаси, юк вагонлари ва вагонеткаларнинг ўқи ясалди. Оқ акасининг ҳўл ўтини ҳам яхши ёнади. Немис ўрмоншуноси Гайернинг айтишича, граб, қора қайин, қайин ва оқ акас ўтини энг кўп иссиқлик беради.

Оқ акасининг бир йиллик новдаси ва барги чорва молларга озуқа бўлади. Уруғининг таркибида мой кўп. Ундан химия саноатида фойдаланилади ва сунъий кофе тайёрлаганда хом ашё хизматини ўтайди. Оқ акас гулидан хушбўй мода олиш мумкин. Татаристон ва Бошқирдистонда ундан мураббо тайёрлашади.

Оқ акас ўсган ҳамма ерда унинг гулидаги нектар асаларилар учун биринчи даражали озуқа ҳисобланади. Тиғиз бўлиб ўсган бир гектар ердаги оқ акасордан қулай шароитда 500 килограмм ва ундан ҳам кўпроқ асал олиш мумкин. Ўрта ёшдаги бир туп оқ акас 16 килограммгача асал бериш қобилиятига эга бўлади.

Тоғли районларга, тоғ этакларидаги лалмикор ерларга ва текисликларга бутун ёз давомида қип-қизил бўлиб гулловчи оқ акас турларининг ёлғиз ўзини ёки бошқа дарахтларга аралаштириб экиш ва айниқса чакалакзорлар ҳосил қилиш Ўзбекистонни қаҳрабосимон асал конига айлантирган бўларди.

Қаллаклаб кесганда қуриб қолмаслик сифа-

тига эга бўлгани учун оқ акадан ҳовли ва кўчалар, хиёбон ва боғларда яшил тўсиқ ҳосил қилиш учун, унинг тиканли формаларидан эса қўралар, паррандачилик фермалари ва мевали боғлар атрофида яшил деворлар барпо қилиш учун фойдаланиш мумкин. Бундай деворлар орадан бир-икки йил ўтгач одамлар, уй ҳайвонлари ва бўри, тулки, бўрсуқ, чиябўри каби йиртқич ҳайвонлар ўтолмайдиган бўлиб қолади.

Оқ акас ўрмон-мелиорация ишларини амалга оширишда (қумлик жойларда, саҳроларда, чўкадиган, ўпириладиган жойларда дастлабки дарахтзорлар барпо қилиш, тоғ ёнбағирларини сел оқими, тошқинлардан сақлаш ва ҳоказолар) фойдаланиладиган жуда қимматли дарахт эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, оқ акасининг мелиорацияловчи ва заҳоб ерларнинг сувини қочирувчи дарахт сифатида дарёларнинг боши ва соҳилидаги тошлоқ ерларда дарахтзорлар ҳосил қилишда ҳам аҳамияти каттадир. Ўрта Осиёдаги катта дарёларнинг бошида одатда ҳаддан ташқари ботқоқликлар пайдо бўлади ёки ҳеч бўлмаганда ана шу ерларнинг тупроғи ўтлоқ бўлади. Шу туфайли у ерга оқ акас экилса ер тез қурийди ва айни вақтда 12—15 йил ўсиши давомида ундан колхоз ҳамда совхозлар учун жуда зарур бўлган кўплаб миқдордаги ёғоч олиш мумкин.

АКАС ТУРЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БОТАНИК ТАЪРИФИ

Акас ёки илмий терминология бўйича робиния авлодининг 20 тури Шимолий Америкада табиий ҳолда ўсади. Акас авлодининг вакиллари орасида 7—8 турдан иборат дарахтлар бўлиб, қолганлари эса буталардир. Акасининг 13 тури

Пенсильваниядан жанубга томон Жоржия ва Алабама штатларигача бўлган жойдаги Аппалач тоғларида ўсади. 5 тури Коларадо штатидан жанубга томон то Мексика чегарасигача бўлган жойдаги қояли тоғларда учрайди ва фақат бир тури четдан келтирилган.

Ажойиб қурилиш материали бўлган оқ акас энг қимматли дарахт ҳисобланади. Акасинг «Янги Мексика» ва «кўркам» турлари иккинчи, «ёпишқоқ» тури эса учинчи ўринда туради. Бу турлардаги акасинг ёғочи сифати ва ранги жиҳатидан оқ акас ёғочига ўхшаш бўлса-да, лекин ишлаб чиқаришдаги аҳамияти жиҳатидан унга тенглашолмайди. Бу дарахтнинг кўпчилик турлари асосан манзарали дарахт сифатида қадрланади.

1. Оқ акас

Энг баланд оқ акас дарахтининг бўйи 30—35 метрга етади. Унинг тикқомат танаси ёрилгансимон дағал қорамтил-қўнғир пўстлоқ билан қопланган, шох ва новдалари жигарранг тусли бўлади. Новдалардаги куртаклари узунлиги 1,5 сантиметргача бўлган бачкисимон ғуж тиканақлар орасига яширинган бўлади. Мураккаб барг асосий бандининг узунлиги 10—25 сантиметрга етади ва ҳар бир барг бандида қисқа бандчалик, 9—21 та думалоқ баргчалар бўлади. Уруғи экилгандан кейин иккинчи-учинчи йилда гуллайди, гули оқ, йирик, осилган гулбандда жойлашган, жуда хушбўй ва асал моддасига бой бўлади. Гулининг тўққизта оталиги туташ ва унинг юқоридагиси бўш бўлади. Апрель ойининг охири — май ойининг бошида гуллайди.

Оддий оқ (сохта) акасинг сада, тикқомат, шарсимон, яккабаргли каби форма ва хиллари катта қизиқиш туғдиради. Уларнинг Ўзбекистон шаҳарларини кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти маълум, чунки илгари республика шаҳар ва қишлоқларини безаб келган сада қайрағочлар ва тикқомат тераклар ҳозир ноёб бўлиб қолди. Акасинг йирик якка барглар ҳосил қилувчи якка тури алоҳида аҳамиятга эга. Унинг оралик формаси эса 3—5—7 та япроқчалардан иборат баргга эга бўлади. Бундан ташқари, у ёшлигида тез ўсиши жиҳатидан оддий акадан қолишмайди. Унинг танаси тўғри ва жуда харибоп. Бу жуда муҳим, чунки оддий акасинг танаси кўп ҳолларда қинғир-қийшиқ бўлади.

Оддий оқ (сохта) акасинг қип-қизил бўлиб гулловчи турлари ва хилма-хил боғ-манзарали формаларини экишга жорий этиш бизга баҳордан то кузгача гуллайдиган дарахт ва бута турларининг сонини кўпайтиришда ёрдам беради. Бизда ҳозиргача шаҳарлардаги истироҳат боғлари, майдонлар ва кўчаларни кўкаламзорлаштириш учун дарахт турларини танлаганда худди мана шу соҳада катта етишмовчилик сезилмоқда.

Қип-қизил бўлиб гулловчи робиниялар шаҳарлардаги парклар, майдонлар, скверларни кўкаламзорлаштириш ва кўчаларда хиёбонлар барпо этиш, шунингдек асаларичиликнинг озуқа базаси учун катта аҳамиятга эга. У 4—4,5 ой мобайнида гуллаб туради. Ниҳоят қип-қизил бўлиб гулловчи робинияларининг касалликлари ва зарарли ҳашаротлари бўлмайди. Оқ акага катта зарар келтирадиган шиша қип-қизил бўлиб гулловчи робиния турларида учрамайди.

2. Янги Мексика акаси

Янги Мексика Колорадо, Аризона ва Юта штатларида ўсади. Бошқа жойларда 1921 йилдан кўпайтирила бошлаган. Апрель ойининг охиридан то сентябрь ойининг биринчи ярмигача 5 марта гуллайди. Ҳар бир гуллаш орасида 3—6 кун ўтади. Қора-қизил ёки тўқ қизил-бинафша рангли гули бўйи 12 метрга етувчи акас дарахтини жуда ҳусндор қилиб юборади. Тепа шохлари эгилган. Ийрик бошли гули пастга осилиб туради. Аввал бошнинг асосига яқин жойдаги, сўнг эса қолган гунчалар очилади. Дарахт шоналаш даврида жуда чиройли бўлиб кўринади, гунчалари сакраш ёки учиншга шайланган пушти чигирткани эслатади. Гуллаш даврининг бошида аввал дарахт тепа қисмининг, сўнг ўрта ва пастки қисмининг шохларида оз сонли гуллар пайдо бўлади. Иккинчи ва шундан сўнгги гуллаганда ёз ҳавосининг ўта иссиқлиги, шамол эсмаслиги ва ҳаддан ташқари қурғоқчилик сабабли гуллар мева тугмасдан тўкилиб кетади. Шу боисдан дарахтда дуккаклар кам бўлади. Янги Мексика акасини томиридан ўсиб чиққан новдалари, калтагини экиб ва пайванд қилиб кўпайтириш мумкин.

3. Гартвиг акаси

СССРда 1951 йилдан буён экилади. Фақат Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида бор. Оч-пушти рангли гули жуда чиройли ва майда бўлади. Акаснинг бошқа турларидан фарқи шуки, дарахтдаги тўдагулнинг сони жуда кам бўлади ва ҳар бир бошдаги гул

ғужумининг узунлиги 7 сантиметрға боради. Ёш новдалари темирсимон, дуккаги қисқа, қотиб эгилган ва ранги занглаган темирға ўхшаш бўлади. Барги июнь ойидан бошлаб сариқ тилларанг тусга киради ва бу ҳол дарахтни гўзаллаштиради. Биринчи гулга 7 майда, яъни пушти рангли гулловчи бошқа турдаги робиниялардан анча кейин киради. Июль ойида иккинчи марта гуллайди. Жуда кам мева ҳосил қилади.

4. Тукли акас

Виргиния ва Кентукки штатлари билан Жоржия ва Алабама штатлари оралиғидаги тоғларда ўсади. Бошқа жойларда 1758 йилдан буён кўпайтирила бошланган. Гуллаш муддати—Янги Мексика турининг гуллаш муддати билан бир. Фарқи шундаки, тукли акасининг гули йирик, ранги қорамтир пушти бўлади ва / шохларига ёпишиб туради. Бу тур уруғ бойламайди. Оқ акас кўчати ёки новдасига пайванд қилиб кўпайтирилади.

5. Кўркам акас

Колорадо, Янги Мексика, Аризона ва Юта штатларида тарқалган. Бошқа жойларда 1881 йилдан кўпайтирила бошлаган. Чаман бўлиб гуллайди ва кўп уруғ ҳосил қилади. Бироқ бу соҳада оддий формадаги оқ акадан кейин туради. Апрель ойининг охиридан то сентябрь ойигача 4 марта гуллайди.

Кейинги икки марта гуллашида гулининг тугунчалари тўкилиб кетади. Гули Янги Мексика акасининг гулига нисбатан кичикроқ, бинафша-пушти рангда бўлади. Гулнинг тўпи йирик ва юқорига қараб тўғри туради. Ботаника боғидаги

она дарахтнинг бўйи 9 метрдан ошади. Тепасидаги ва ёнидаги шохлари буталса келгуси йил баҳорда кўп гул ҳосил қилади.

6. Ёпишқоқ акас

Шимолий ва Жанубий Қаролина штатларидаги тоғлардан тортиб то Алабама штатигача кенг тарқалган. Шунингдек, Аллеган тоғларида ҳам ўсади. Бошқа жойларда 1791 йилдан кўпайтирила бошлаган. Новдалари ва меваси темир-симон тук билан қопланганлиги учун ёпишқоқ акас дейилади. Ёз давомида икки марта пушти рангда гуллайди. Нормал мева ҳосил қилади. Боғ ва паркларга манзарали дарахт сифатида якка-якка ва группа қилиб экилади.

7. Гольдт акаси

Оддий оқ ва кўркам акасни чатиштиришдан ҳосил бўлган. Гулининг ғужлиги кўркам акас гулига нисбатан камроқ. Йирик бошларда чети пушти кунгирали оппоқ гуллар ҳосил қилади. Иккинчи гули камроқ бўлади. Экиш учун етарли уруғ ҳосил қилади, лекин экканда унинг оз қисми униб чиқади.

8. Кельсей акаси

Бўйи 3 метргача етадиган бута. Ёз давомида июль ойининг ўртасида бир марта ўзига хос майда сариқ рангли гул ҳосил қилади. Шимолий Қаролина штатида ўсади. Бошқа жойларда 1901 йилдан кўпайтирила бошлаган. Шимолий Америкада чамандай гулловчи дарахт сифатида кўпайтирилади. СССРда фақат Ботумида синаб кўрилмоқда. Тошкентда Ўзбекистон ССР Фан-

лар академиясининг Ботаника боғида 1956 йилдан буён ўстирилади.

Боғларда бошқа хил дарахтлар билан аралаштириб ўстирилган пушти гулли акасларининг манзарали турлари бошқа турлар билан чатишиб, ўзгариб кетган. Шу туфайли уларни чатиштириб кўпайтириш гулининг ранги қизиқарли, шунингдек бўйи жуда баланд тез ўсадиган янги акас турларига эга бўлиш имконини беради.

Акасни кўпайтириш

Амалда акасининг кўпчилик дарахт ва бута навлари уруғидан кўпайтирилади. Уруғдан ўстирилган акас дарахтлари ва буталари кўчатидан ёки пайванд қилиб ўстирилганларига нисбатан узоқ умр кўради. Акас дарахтининг кўпчилик навлари тез ўсади. Бу ҳол улардан ҳатто ёшлигида ҳам қурилиш ва ишлаб чиқариш учун ёғоч олиш имконини беради. Уруғидан кўкартирилган дарахтлар кўчатдан ва илдиздан ўсиб чиққан новдалардан ёки пайванд қилиб ўстирилган дарахтларга нисбатан ўрмон зараркундалари ҳамда замбуруғ касаллигидан кам зарарланади.

Оқ акасининг меваси ясси, ловия шаклида дуккакдан иборат. Турли хил акас мевасининг бўйи 4 сантиметрдан 10 сантиметргача бўлади. Унда 10 тадан 20 тагача уруғ бир қатор жойлашган бўлади. Уруғнинг шакли буйраксимон. Уруғнинг бир томони кўтарилган. Бу, уруғдоннинг изи бўлиб, унинг ёрдамида уруғ меванинг деворига ёпишиб туради. Барча уруғнинг усти қалин пўстлоқ билан қопланган. Турли хил жойларда акас уруғи пўстлогининг ранги турлича бўлади. Тошкент воҳасида акас мевасининг кўриниши зангга ўхшаш оч жигар рангда ва усти силлиқ

бўлади. Меванинг катталиги турлича: 4—5 сантиметрдан 7—8 сантиметргача. Республиканинг жанубида унинг ҳажми шимолдагига нисбатан каттароқ бўлади. Тоғларда денгиз сатҳидан баландроқ кўтарилган сари акас мевасининг ҳажми кичиклашиб боради.

Акас ўсадиган жойнинг экологик ва тупроқ факторларига қараб, меваси ҳамда уруғининг ранги ўзгаради. Масалан, Сурхондарё областидаги Қаптархона қишлоғида териб олинган акас мевасининг ранги тўқ пушти бўлиб, усти локлангандек силлиқ. Меваларнинг ҳаммасида кўп сонли ингичка илонизи чизиқлар бўлиб, у шўр тупроқли тақир саҳродаги ёриқни ёки тошбақанинг косасини эслатади.

Мева ҳажмининг катта-кичиклиги оқ акас ўсган ернинг ботаник-географик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, унинг ичидаги уруғлар сони кўп ёки озлиги ҳам шунга мувофиқ ўзгаради ва ҳар бир мевада 1—2 тадан 17—20 тагача уруғ бўлади. Қип-қизил ва кўп марта гулловчи акас турлари мевасининг ҳажми кичик ва ичида 1—2—3 та уруғ бўлади. Бу хусусият оқ акасининг асосий формасидан анча кеч гулловчи якка баргли оқ акас формасига ҳам хосдир.

Робиниянинг уруғи тоза пишганда ранги қўнғир-жигар ранг, қизил-қўнғир, қора ва яшил тусга киради. Уруғнинг бўйи 0,5 сантиметрдан 0,8 сантиметргача бўлади. Акас уруғининг ранги қизғиш ва сарғиш бўлса у тўла пишмаган бўлади. Б. С. Мошковнинг айтишича, Шимолда (Узоқ Шимолда) дастлаб сунъий равишда экилган оқ акас уруғининг вазни оғирроқ бўлган. Масалан, Уфада ўстирилган акас уруғи 1000 донасининг оғирлиги 7,30 граммни, Москвада ўстирилган акас уруғи 1000 донасининг оғирлиги

11,38 граммни, Никольскда (Вологда областида) ўстирилган акас уруғи 1000 донасининг оғирлиги 17,02 граммни ташкил этади.

Ўрта Осиё иқлим шароитининг жуда хилма-хиллиги билан СССРнинг бошқа районларидан кескин фарқ қилади. Шу сабабли турли географик пунктларда териб олинган оқ акас уруғи 1000 донасининг оғирлиги турлича бўлади. Ўрмон дарахтлари уруғи Тошкент контроль станциясининг маълумотларига қараганда, Ўрта Осиёнинг турли районларида териб олинган оддий оқ акас уруғи 1000 донасининг оғирлиги 16 граммдан 26 граммгача етган. Биз олиб борган кузатишлар шуни кўрсатдики, турли хил акас уруғи ёзнинг ўртасида, яъни 15 июнда пишади. Акас уруғини теришга август ойининг бошида киришиш керак. Агар уруғни териб олиш кечиктирилса ҳавонинг иссиқ даврида дуккаклар очилиб, уруғнинг бир қисми тўкилиб кетади. Акасни уруғидан дастлабки экишда муддат катта роль ўйнайди.

Робиния, яъни оқ акас субтропик ўсимлик. Уларни табиий равишда ўсадиган жой чегарасида (Шимолий Америкада) уруғдан униб чиққан ниҳол қулай иқлим шароитида ривожланади. У ерда ёз фаслида ҳам ёғингарчилик кўп бўлади.

Тошкент иқлими континенталь, йиллик ўртача ҳарорат 13 градус. Баҳорда ҳаво тез-тез совига туради. Март, ҳатто апрель ойида ҳам ҳаво совиги ва ҳарорат 4—7 даражага тушиб қолиши, кеч муддатда ернинг музлаши иссиқни севувчи оқ акасининг дастлаб униб чиққан ёш ниҳолларини нобуд қилиши мумкин.

Кўп йиллар давомида олиб борилган кузатишларга асосланиб, оддий турдаги оқ акасни экишнинг энг қулай муддати ҳавонинг иссиқлик

ҳарорати барқарор 20 даража бўлиб турган апрель ойининг сўнгги ўн кунлиги деб ҳисоблаймиз. Тошкент шаҳар манзарали ўсимликлар хўжалигига қарашли 1-кўчатзорда оқ акас бир неча йилдан буён 23 апрелда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида эса 28 апрелга яқин экилмоқда. Ўрта Осиё темир йўлининг Сирдарё қирғоғидаги (Тошкентдан 100 километр жанубда) кўчатзорида 1960 йил оқ акас 4 апрелда экилди. Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институтига қарашли Дендропаркнинг ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларига оқ акас икки муддатда — 8 ва 20 апрелда экилди.

Оқ акасни фақат баҳорда эмас, балки кузда ҳам экиш мумкин. Бироқ кузда оқ акасининг уруғи қуруқ ҳолда экилади. Баҳорда оқ акас уруғини текис ундириб олиш учун қайнаган сувда буғлаб экиш керак. Кузда экканда уруғ устидаги тупроқ қатлами қиш давомида зичлашади ва шу сабабли унинг бир қисми зарарланиб, унмай қолади.

Оқ акас уруғининг униб чиқиши хусусида адабиётда берилган маълумотлар бир-бирига жуда зид. Айрим муаллифлар оқ акас уруғининг униб чиқиш хусусияти жуда кучли деб, бошқалари эса кам деб ҳисоблашади. Н. П. Кобранов Мариуполь тажриба ўрмон хўжалиги кўчатзорида буғланмаган оқ акас уруғининг 22,8 процентдан 73,8 процентгача бўлган қисми униб чиққанини аниқлаган. 1925—1928 йилларда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Москва яқинидаги Братцевский тажриба станциясида ишлаган Б. С. Мошков ўтказган тажрибалар натижасида буғланмай экилган оқ акас уруғининг жуда оз қисми, яъни 2 проценти, буғлаб экилганда эса жуда кўп қисми, яъни 92 проценти

униб чиққани аниқланган. Мошков оқ акас 20 турининг буғланмаган уруғи турли хил географик пунктларда қай даражада униб чиқишини текшириб, унинг ўртача даражаси 12,7 процентга тенг бўлганини аниқлаган. Тадқиқотчи уруғни экишдан олдин буғлаганда унинг ўртача униб чиқиш даражаси 40 процентгача етган. Э. Э. Керн ва Н. Н. Степанов оқ акас уруғининг униб чиқиш даражаси 50 процентдан 90 процентгача етади деб ҳисоблайди. Суғориладиган ерларнинг маҳаллий шароитида (Тошкент воҳаси) В. Абдураззоқов ўтказган тажрибалар маълумотига кўра, буғланмай кузда экилган оқ акас уруғининг 50 процентдан то 72 процентгача бўлган қисми, баҳорда буғлаб экилганда эса 81 проценти униб чиққан.

Кузда экилган оқ акас уруғининг кам қисми униб чиқишига пўстлогининг қаттиқлиги ва турли-туман ҳашаротлар ҳамда касалликлардан зарарланиши сабаб бўлади деб ҳисоблаймиз. Уруғни 80—85 ва 90 даража иссиқликдаги қайноқ сувда буғлаш яхши натижа беради. Маҳаллий шароитда олинган уруғ 90 даража иссиқликдаги қайноқ сувда буғланганда унинг 90 процентдан кўпроқ қисми униб чиққанлиги аниқланган.

Акас турларидан бир нечтасининг уруғи сувининг иссиқлиги 80—90 даража бўлган ёғоч бочкага солинади. Сувнинг иссиқлик даражаси химик термометр билан ўлчаб кўрилади. Иссиқлиги 100 даражадаги сувда буғлаш уруғнинг кўп қисми нобуд бўлишига олиб келади. Уруғ қайноқ сувда буғланганда сувда камида икки соат, яъни сув аста-секин совигунгача туради. Шундан сўнг уруғ олиниб, ерга экилади ва суғорилади. Агар акас уруғи қуруқ ва нами кам

тупроққа экилса нобуд бўлади. Қайноқ сувда буғлаб экканда, даставвал, яхши бўртган, сўнг чала бўртган, энг охирида бўртмаган уруғлар униб чиқади. Қуруқ уруғнинг бўйи, эни ва тўлалиги қайноқ сувда буғлагандан кейин ошади, вазни огирлашади. Уруғ буғлангач унинг сувни шимиш қобилияти кучаяди. Масалан, оқ акас уруғи уч марта буғлангандан сўнг сувни шимиш қобилияти қуруқ уруғникига нисбатан 148,4—262,6 процент кучаяди, унинг ҳажми бир ярим-икки барабар йириклашади.

Оқ акас уруғини 80—90 даража иссиқликдаги қайноқ сувда буғлаш барча хўжаликларда кенг қўлланилади. Оқ акас ўстирувчи ўрмон хўжаликлари кўчатзорларида унинг уруғи экишдан олдин албатта буғланган ва шу йўл билан тўла ундириб олинади.

Оқ акас уруғи олтингугурт кислотасига солинганда унинг униб чиқиш хусусияти ва олинган кўчатнинг ҳаётчанлиги ошади. Уруғнинг тажриба нусхаларини алоҳида химик стаканларга солиб, устидан 98 процентли олтингугурт кислотаси қўйилади. Уруғни кислотада турли муддат давомида: 20 минут, 40 минут, 1—1,5 соат, 2—2,5 соат ва 3 соат ушлаб туриш мумкин. Биз уруғни кислотада ушлаб туришнинг энг қулай муддати 1—1,5 соат деб ҳисоблаймиз. Бу вақт ичида кислота уруғнинг пўстлогини эритиб юборади, лекин унинг мағзига зарар тегмайди, кислота эритмаси уруғ пўстлоги эриши натижасида жигар ранг ёки тўқ зангори тусга киради.

Уруғни омборларда сақлаш вақти унинг униб чиқишига қандай таъсир қилиши илмий ва амалий аҳамиятга эга. Профессор Э. Э. Керн, Н. Н. Степанов ва бошқа бир қатор муаллифларнинг ҳисоблашича, оқ акас уруғи ўзининг униб чиқиш

хусусиятини беш йил ва ундан ортиқ вақт давомида сақлаб қолади. Биз олиб борган тажрибалар натижасида уруғнинг униб чиқиш қобилияти 2—3 йил сақлангандан кейин анча камайгани, 5—6 йил сақланганда эса бутунлай йўқолгани аниқланди. Шу рисола муаллифи томонидан Гольдт акас устида тажриба ўтказилганида, бу акас уруғининг униб чиқиш қобилияти у 5 йил сақлангандан кейин йўқолган. Якка баргли оқ акас турининг уруғи 7 йил лабораторияда сақланиб, сўнг буғлаб баҳорда экилганда унинг униб чиқиш қобилияти 12 процентга, кўчатнинг кўкариш қобилияти эса 5 процентга, буғланмай кузда экилганда эса ноль процентга тенг бўлган. Шу сабабли янги уруғни экиш ва фақат янги уруғ бўлмагандагина бир ёки икки йил сақланган уруғни экиш мумкин.

Зараркунандалар ва касалликлар кўп тарқалганда турли хилдаги акас уруғини пишиши биланоқ июль ойининг ўрталаридан бошлаб те-риб олишга киришиш керак. Уруғни қуруқ ва ҳавосининг ҳарорати 4 даражадан 10 даражага-ча бўлган иссиқ бинода қоғоз халталар, шиша банкалар ва бутилкаларда сақлаш зарур. Фақат шу йўл билан уни зараркунандалар ва касалликлардан асраш мумкин.

На узбекском языке

К. АРИФХАНОВ

РОБИНИЯ

Объединенное издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1968

Таржимон Ҳ. Абдусаматов
Техредактор В. Зубовская

Редактор Н. Рихсиев
Корректор Т. Аъламов

Теришга берилди 25/V-1968 й. Босишга рухсат этилди 28/X 1968 й.
Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Босма листи 1,0. Шартли босма листи
1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,04. Тиражи 11170. Нашр № 82.
Р 02974. Заказ № 6884. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг
босмаҳонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

